



“Involta” Ilmiy Jurnalni

Vebsayt: <https://involta.uz/>

ГЕНДЕР УСТАНОВКАЛАРИ ВА ИЖТИМОЙЛАШУВ ЖАРАЁНИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Мажидов Жасур Бахтиярович

Жиззах давлат педагогика институти ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада гендер установкаларининг шахс ижтимоийлашувидаги ўрни хусусида мулоҳазалар юритилган.

Калит сўзлар: Гендер установкалар, жинс, эркак, маскулин, феминин, гендер ижтимоийлашув.

ГЕНДЕРНЫЕ УСТАНОВКИ И СПЕЦИФИКА ПРОЦЕССА СОЦИАЛИЗАЦИИ

Аннотация: В данной статье проанализированы место и значение гендерных установок в процессе социализации личности.

Ключевые слова: гендерные установки, пол, мужчина, женщина, мускулин, феминин, гендерная социализация.

GENDER ATTITUDES AND THE SPECIFICITY OF THE PROCESS OF SOCIALIZATION

Abstract: this article analyzes the place and significance of gender attitudes in the process of socialization of the personality

Keywords: gender attitudes, gender, man, woman, muscle, feminine, gender socialization

КИРИШ.

Сўнги пайтларда психология фани доирасида “гендер” тушунчаси борсида кўплаб тадқиқотлар олиб борилиб, мазкур тушунчани тўлақонли талқин қилинишида субъектларнинг у ёки бу ижтимоий жинсга мансублиги ҳақида жинсий дифференциациясига дахлдор психологик тавсифини кўриб чиқишга доир қимматли ёндашувлар юзага келди. Таъкидлаш жоизки, даставвал “гендер” тушунчасининг ўзи, кейинчалик “гендер ёндашув, сўзининг пайдо бўлиши билан “аёлларга оид” деб аталмиш тадқиқотлар билан боғлиқдир.

АСОСИЙ ҚИСМ

“Гендер” тушунчаси биринчи мартаба 1963 йилда Р.Столер ишларида пайдо бўлган. Кейинчалик лингвистикадан келиб чиққан (gender – тур) “гендер” термини эркак ва аёлларнинг жинси – биологик – генетик, физиологик ва репродуктив характеристикалари йиғиндисидан фарқли ўларок маданий тавсифларини шарҳлаш учун қўлланила бошланди. “Гендер” тушунчаси ёрдамида инсондаги табиийликни орттирилган (маданийлик)дан тузилмавий ажратилди. Тушунчанинг киритилиши XX асрнинг 30-йилларида М.Миднинг этнография бўйича ишларида киритилди. Гендер бу:

- ижтимоий жинс бўлиб, у хусусан шахслилик ва гуруҳий хулқ-атвор хусусиятлари ва индивиднинг жамиятдаги ҳуқуқий ва мавқе-ижтимоий позициясини белгилашни тақозо этади;

- биологик жинс, морфологик ва физиологик характеристикалар мажмуаси сифатида қатнашади, эротик ҳиссиётлар ва кечинмалар йўналганлиги ва намоён бўлиши билан боғлиқ индивидуал хулқни ҳам аниқлайди [2];

Шунга ўхшаш кенг қамровли тадқиқотлардан бири Сандра Липсиц Бэм томонидан гендер тафовутларни ўрганиш борасидаги тадқиқотларни айтиб ўтиш мумкин. Унинг 1993 йилда чиққан “Гендер линзалари” монографиясида жамият эркак ва аёлларга уларнинг ишлари ва имкониятлари ҳақидаги маълум ижтимоий тавсифларни киритиш ҳақидаги тасаввурлар батафсил ёритилган. Мазкур ҳолатда жинс – бу тарихий тараққиёт мобайнида орттирилган рамзий аҳамиятли белгидир. Сандра Бэм ўз монографиясида эркак ва аёллар хулқ-атворидаги тафовутлар, уларнинг ижтимоий позицияларидаги тафовутлар биологиклик туфайли, яъни жинсий фарқлардир деган кенг тарқалган фикр ва ишончларни кўриб чиқиб, жинс ва гендер ҳаётий цикл (онтогенез) жараёнида қандай ўзаро таъбирга киришишини таҳлил қилади. Асосий ғоя бунда шу эдики, ижтимоийлик биологикликка қараганда кўпроқ ўзгаришларга мойил бўлади. Бэм назариясига кўра ва когнитив жараёнлар фаолияти принципларига асосан инсондаги идрок селективдир, яъни у эркак ва аёлларни қутбли идрок қилиш одатий схемасига жойлашади ва реалликда ҳадан зиёд тарқалган, лекин маданият орқали шаклланган идрок доирасига ҳеч ҳам сиғмайдиган нарсаларни танқидсиз қараб чиқмайди [3].

Шундай қилиб, Сандра Бэмнинг “Гендер линзалари” назарияси шахснинг гендер хусусиятлари маданий-тарихий таркиби ва унинг психологик установакаларини намоён қилади. Эркак ва аёллар ўртасидаги аҳамиятли психологик тафовутларнинг мавжудлиги ўз ўзидан ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Бироқ бу борадаги эмпирик маълумотлар, кўп сонли тадқиқотларга қарамасдан, етарли эмас ва бир-бирига қарама-қарши. Шахслилик хусусиятларига оид асосий тадқиқотларни қараб чиқамиз.

В.С.Гуревич фикрича, индивидуал-шахслилик хусусиятларига кўра аёлларда эркакларга қараганда ўзини ўзи ҳурмат қилишнинг паст даражаси туфайли кўпроқ хавотирланиш кузатилади, чунки ўзига ишониш ва лидерлик сифатлари кўпроқ эркакларга хос.

Умум қабул қилинган стереотиплар эмпатия ва эмоционал соҳадаги жуда кўп гендер фарқлар мавжудлиги ҳақидаги ғояни ўз ичига олади. Эркаклар ва аёллар ўртасидаги тафовутлар ҳақида гапирганда биз кўпинча аёллар эркакларга қараганда эмоцияларини яхшироқ ифодалайдилар ва атрофдагиларга ҳамдардлик билдиришга ҳам мойилроқдирлар деб ҳисоблаймиз. Ҳақиқатан ҳам аёллар эркакларга қараганда ҳиссиётларга берилувчан деган фикрга ишониш гендер стереотипларни ўрганиш мобайнидаги ноёб топилмалардан бири ҳисобланади. Эркаклар ва аёллар ўртасидаги эмоционаллик тафовутлари бир нечта даражаларда қараш мумкин. Биринчи даражада биз бошқаларнинг эмоционал ҳолатини тушуниш (эмпатия) қобилияти ва бу тушунишни ифодалаш малакаси (эмпатик экспрессия) билан тўқнаш келамиз. Бошқа бир даражада бизни инсоннинг ўзи томонидан ўз эмоцияларини кечиниши (эмоционал кечинмалар) ва мана шу эмоцияларни билдириш усуллари (эмоционал экспрессия) қизиқтиради.

Ш.Берн тадқиқотларида аниқланишича, катта ёшдаги аёллар эркакларга нисбатан атрофдагиларга йўналтирилган ўз ҳиссиётларини кўпроқ ифодалар эканлар. Эркаклар эса аёлларга нисбатан эгоцентрик ҳиссиётлар (масалан, эҳтиёжлар, истаклар, хусусий қизиқишлар) кўпроқ намоён қилар эканлар. Бошқа бир тадқиқотда аниқланишича эркакларга нисбатан аёлларга кўрқув ва ғамгинлик ҳиссиётларини ифодалаш осонроқ, шу билан бирга одамлар кўрқув ва ғамгинликни кечиниш қобилиятидаги жинсий тафовутларни кўрмайдилар. Шунингдек, эркаклар аёлларга нисбатан кўпроқ ғазабларини намоён қилсаларда, лекин аслида камроқ кечинадилар, аёллар эса эркаклар билан бир хил жадалликдаги ва худди ўша сабаблар туфайли ғазабни ҳис қилар эканлар[6].

М.В.Заворотная касбий фаолиятдаги шахс йўналганлиги ижтимоий-психологик тафовутлари, ўзини ўзи долзарблаштириш ҳамда хулқ-атворнинг жинсий установакалари даражаси фарқларига урғу беради. Бунда жинсий ролли установакалар ва хулқ-атвордаги турғунлик ҳам индивидуал-типологик хусусиятлар (мазкур ҳолатда у установакалар ва хулқ-атворнинг умумий турғунлиги билан корреляцияда бўлади) ҳамда вазият ёки фаолият турига қараб қатъий ўзгариб турадиган жинсий ролли тизим функциялари бўлиши мумкин.

Алоҳида индивидларнинг таснифини умумлаштириш ва уларни бир инсонлар ва ҳодисалар гуруҳига қўллаш установакалар деб аталади. А.В.Меренковнинг таъкидлашича, бу “идрок этиш хусусияти, мақсадга интилувчанликнинг, шунингдек, мазкур маданиятда қабул қилинган муайян жинс вакили турмуши ва фаолиятдаги меъёр ва қоидаларни ҳисобга олган ҳолда инсон хулқ-атворининг дастурий англашилишидир¹”

1990 йиллардан бошлаб оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, қонунчиликни, мактаб ва болалар адабиётларини гендер экспертизадан ўтказишда гендер установакаларини ўрганиш тадқиқотчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бундай тадқиқотлар «Гендер ва ОАВ», «Гендер педагогикасининг амалий жиҳатлари» мавзуларида баён этилмоқда. Гендер установакаларни ўрганишда юқорида қайд этилган йўналишлар мазкур соҳада олиб борилган барча-барча тадқиқотларни қамраб олмайди. Улар фақат ўрганилаётган соҳанинг мураккаблиги ва кўп қирралилиги тўғрисида тасаввур беради, холос. Тақдим этилган тадқиқотлар эркаклар ва аёллар ҳақидаги умумлаштирилган фикрларни ўрганиб, гендер установакаларнинг у ёки бу жиҳатларига, уларнинг функцияларига, намоён бўлиш хусусиятларига, воқеликка мос келиши ёки

¹ Меренков А.В. Социология стереотипов – Екатеринбург: Изд-во Урал. Ун-та, 2001, с. 161.

келмаслигига ва бошқаларга, ҳамда кам ҳолларда уларнинг пайдо бўлиши ва барқарор мавжудлиги сабабларини тушунтиришга эътиборни қаратади. Гендер ижтимоийлашуви жараёнида гендер установкаларни ўзлаштириш манна шундай тушунтиришлардан биридир.

Социологлар ва психологлар инсонни бутун ҳаётини йўли давомида ижтимоий ахлоқ нормаларига ва моделларига ўргатишда “ижтимоийлашув” атамасидан фойдаланадилар. Бунда одатда ижтимоийлашувнинг учта босқичини ажартиб кўрсатадилар: дастлабки ёки бошланғич – оилада боланинг ижтимоийлашуви; ўртача ёки иккиламчи – мактабдаги ижтимоийлашув; ва учинчиси ёки якуновчиси – катта ёшли инсоннинг ижтимоийлашуви (касбга, оилада доир ролларни қабул қилиш). Қайта ижтимоийлашув тушунчаси ҳам мавжуд. Э.Гидденснинг таърифлашича, бу илгари ўзлаштирилган ахлоқ нормалари ва намуналари бузилиши натижасида ундан кейин бошқача нормаларни ўзлаштириш ёки ишлаб чиқиш жараёни юз берадиган жараёндир. Одатда қайта ижтимоийлашув танг вазиятга тушиб қолиш билан юз беради, бироқ унинг трансформацияжараёнлари даврида юз бериши эҳтимоли анча кўпдир. Ижтимоийлашув жараёнига дуч келган гуруҳлар ёки ижтимоий контекстлар (соҳалар) ижтимоийлашув агентлари ёки муассасалари сифатида чиқадиладар. Ижтимоийлашувнинг асосий агенти ва институти, айниқса унинг илк босқичида, бу оиладир. Бир мунча кейинги бочқичларида мактаб, тенгдошларнинг гуруҳлари, “аҳамиятга эга бошқалар”, олий мактаб, оммавий ахборот воситалари, “ишхона” ва бошқалар ўзгача таъсир агентлари пайдо бўлади[5].

Гендер ижтимоийлашув – бу жинсий мансублигига боғлиқ равишда ахлоқ намуналари ўзлаштириладиган, яъни эркеклар ва аёллар учун нималар ижтимоий мақбул нарсалар эканлигига ўргатиш жараёнидир. Гендер ижтимоийлашув гендер ўхшашлик ва гендер роли тушунчалари билан чамбарчас боғлиқдир. Ижтимоийлашув жараёнини амалда йўналтириб турадиган гендер установкалар ижтимоийлашув жараёнига катта таъсир

ўтказади. Игли (Eagly, 1987) гендер установакалар аслида ижтимоий нормалар эканини, ушбу нормаларга амал қилган инсон гендер ролига “эга бўлишини” тахмин қилди. Гендер установакалар ретрансляция функциялари туфайли авлоддан авлодга ўтиб келаверади. Улар болалиқдан ўзлаштириб келинади ва гендер установакаларнинг ўтказгичлари сифатида ижтимоийлаштирув муассасалари ва таъсир кўрсатиш агентлари (оила, тенгдошлар, мактаб, ОАВ ва бошқалар) ҳисобланади.

Кўплаб тадқиқотлар шуни кўрсатдики, деярли барча маданиятларда ўғил ва қиз болаларни ижтимоийлаштирув жараёни турлича кечади. Ривожланиш психологиясида бу жараён фарқланувчи ижтимоийлашув деб ном олган. У ҳали фарзанд туғилишидан олдин бошланади. Нима учун ота-оналар ва яқин қариндошлар боланинг жинсини олдиндан билмоқчи бўлишади? Чунки шунга қараб улар болага исм танлашади, чақалоқ учун керакли кийимларни танлашади. Боланинг жинсига қараб ота-оналар унга ўйинчоқлар сотиб олишади: қиз болага - қўғирчоқлар, идиш-товоқлар; ўғил болага эса – машиналар, конструктор харид қилишади. Америкалик олимларнинг болаларга ўйинчоқ танлаш борасидаги фарқликлар тўғрисидаги тадқиқотларига кўраоналарнинг фарзандлари борасида кутаётган натижалари хусусида гап борганда, Аксарият ўзбекона оилаларда ўғил фарзанд кўришни орзу қиладилар, чунки у оила давомчиси, келажакда ота-онасига моддий ёрдам ва кўмак кўрсатади. Мана шундай истак мана шундай оилаларда айнан ўғил болага яхши маълумот берилишига, қизларнинг эса ўқиши шарт эмас, деб ҳисобланишига олиб келиши мумкин.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, ота-оналар ўз фарзандларига тарбия беришда тайёр схемалардан – гендер установакалардан фойдаланадилар, - натижада уларнинг таъсирида ўғил ва қиз болаларда ёшлигидан эркакларга ва аёлларга хос хусусиятлар тўғрисидаги тегишли меъёрий тасаввурлар шаклланади. И. Клещинанинг фикрича, бу “ўғил болаларда – фаоллик, қатъиятлик,

фаросатлилик, ўзига ишонганлик, қиз болаларда эса – ён босишлик, пассивлик, қарамликдир». Олиб борган тадқиқотларимизга кўра, қиз болаларга одатда тарбияли бўлиш, озодалик, камтаринлик, назокатлилик, уй-рўзғор ишларини бажариш каби хусусиятларни сингдирадилар. Ўғил болаларда эса дадиллик, ақл-заковат, масъулиятлилик, мардлик, собитқадамлик, ўзини ҳимоя қила билиш ва пул топиш каби фазилатлар рағбатлантирилади. Кўриниб турганидек, эркакларга ва аёлларга сингдириладиган хусусиятлар тўплами маскулинлик ва феминлик тўғрисидаги анъанавий тасаввурларга (установкаларга) тўлиқ мос келади. Улар, аслида, ўғил бола (эркак) ёки қиз бола (аёл) қандай бўлиши кераклиги тўғрисидаги стандарт фикр-мулоҳазаларни акс эттиради. Бу ўринда хулқ-атворларнинг турли шакллари мавжудлиги ва уларнинг мавжуд бўлишга бўлган ҳуқуқи кам ҳолларда ҳисобга олинади.

Фойдаланилган адабиёилар рўйхати

- 1.Меренков А.В. Социология стереотипов. – Екатеринбург: Изд-во Урал. Унита, 2001, с. 161.
- 2.Краткий энциклопедический словарь-справочник / Под ред. Борцова Ю.С.- Ростов на Дону: Феникс, 1997. - 608 с.
3. Бэм.С. Линзы гендера: Трансформация взглядов на проблему неравенства полов. – Москва.: «Российская политическая энциклопедия» (РОССПЭН),2004.-336стр.
- 4.Кон И.С. Социологическая психология -Москва — Воронеж 1999.—560 с
5. Гидденс Э. Социология. М.: Эдиториал УРСС, 1999
6. Берн Ш. Гендерная психология. - М.: Прайм-Еврознак, 2004. - 320 стр.
- 7.Клецина И.С. Гендерная социализация. Уч. пособие. Спб., 1998
- 8.Маджидов, Д. Б., & Шарофиддинов, А. (2017). Социальный интеллект как совокупность способностей, обеспечивающих адаптацию личности в обществе. In Актуальные вопросы современной психологии (pp. 22-24).

9. Личность в спорте / Блудов Ю.М., Плахтиенко В.А. М.: Советская Россия, 1987. - 160 с.
10. Majidov, J. (2021). СПОРТДАГИ МУЛОҚОТ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ҲОДИСА СИФАТИДА. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, 1(1)*. Извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/723>
11. Majidov, J. (2021). ВОПРОСЫ ГАРМОНИИ ПРЕДСТАВЛЕНИЯ МОЛОДЕЖИ О СЕМЕЙНОЙ ЖИЗНИ И УДОВЛЕТВОРЕННОСТИ СЕМЕЙНОЙ ЖИЗНЬЮ. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, 1(1)*. Извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1369>
12. Majidov, J. (2021). ШАХСГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШИШДА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, (3)*. Извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/4325>
13. Majidov, Jasur Baxtiyarovich (2022). SOTSIAL INTELLEKT VA UNING INSON HAYOTIDAGI O'RNI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (2), 608-613*.
14. Majidov, J. (2020). Some characteristics of relationships in football teams. Scienceweb academic papers collection.